

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
Б У Й Р У Ё И



П Р И К А З
МИНИСТРА ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 14 ” октябрь.

№ 310 -ум

“ ” 2019 года.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил
9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги
856-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 856-сонли
қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил
9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция
кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 856-сонли қарори маълумот
ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида интеллектуал мулк
объектларинининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ бўлган апелляцияларни
судгача кўриб чиқувчи Апелляция кенгаши таркиби иловага мувофиқ
тасдиқлансин.

3. Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни
ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси (А. Мадаминов) манфаатдор
вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2017 йил
27 мартдаги 37-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ў. Назаров) мазкур буйруқни
вазирлик таркибий бўлинмаларига етказилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир


Р. Давлетов